

SCIENCE
PROBLEMS.UZ

ISSN 2181-1342

Actual problems of social and humanitarian sciences
Актуальные проблемы социальных и гуманитарных наук

**Ijtimoiy-gumanitar
fanlarning dolzarb
muammolari**

Jild 3, Son 5/8

2023

SCIENCEPROBLEMS.UZ

ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

№ 5/8 (3)-2023

**АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО-
ГУМАНИТАРНЫХ НАУК**

ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES

ТОШКЕНТ-2023

БОШ МУҲАРРИР:

Исанова Феруза Тулқиновна

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

07.00.00-ТАРИХ ФАНЛАРИ:

Юлдашев Анвар Эргашевич – тарих фанлари доктори, сиёсий фанлар номзоди, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Мавланов Уктам Махмасабирович – тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Хазраткулов Аброр – тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети.

08.00.00-ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ:

Карлибаева Рая Хожабаевна – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Худойқулов Садирдин Каримович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Азизов Шерзод Ўктамович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Божхона институти;

Арабов Нурали Уралович – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Холов Актам Хатамович – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Шадиева Дилдора Хамидовна – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент в.б, Тошкент молия институти;

Шакарров Қулмат Аширович – иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент, Тошкент ахборот технологиялари университети

09.00.00-ФАЛСАФА ФАНЛАРИ:

Ҳакимов Назар Ҳакимович – фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Яхшиликков Жўрабой – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Ғайбуллаев Отабек Мухаммадиевич – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат чет тиллар институти;

Ҳошимхонов Мўмин – фалсафа фанлари доктори, доцент, Жиззах педагогика институти;

Носирходжаева Гулнора Абдукаҳхаровна – фалсафа фанлари номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Турдиев Бехруз Собирович – фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Бухоро давлат университети.

10.00.00-ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

Ахмедов Ойбек Сапорбаевич – филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Кўчимов Шухрат Норқизилович – филология фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Салахутдинова Мушарраф Исамутдиновна – филология фанлари номзоди, доцент, Самарқанд давлат университети;

Кучкаров Раҳман Урманович – филология фанлари номзоди, доцент в/б, Тошкент давлат юридик университети;

Юнусов Мансур Абдуллаевич – филология фанлари номзоди, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Саидов Улугбек Арипович – филология фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси.

12.00.00-ЮРИДИК ФАНЛАРИ:

Ахмедшаева Мавлюда Ахатовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Мухитдинова Фирюза Абдурашидовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Эсанова Замира Нормуратовна – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳамроқулов Баҳодир Мамашарифович – юридик фанлар доктори, профессор в.б., Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети;

Зулфиқоров Шерзод Хуррамович – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети;

Хайитов Хушвақт Сапарбаевич – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси

Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Асадов Шавкат Ғайбуллаевич – юридик фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Утемуратов Махмут Ажимуратович – юридик фанлар номзоди, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Сайдуллаев Шахзод Алиханович – юридик фанлар номзоди, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳакимов Комил Бахтиярович – юридик фанлар доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Юсупов Сардорбек Баходирович – юридик фанлар доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Амиров Зафар Актамович – юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD), Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактаби;

Жўраев Шерзод Юлдашевич – юридик фанлар номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Бабаджанов Атабек Давронбекович – юридик фанлар номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Раҳматов Элёр Жумабоевич – юридик фанлар номзоди, Тошкент давлат юридик университети;

13.00.00-ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ:

Хашимова Дильдархон Уринбоевна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Ибрагимова Гулнора Хавазматовна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Закирова Феруза Махмудовна – педагогика фанлари доктори, Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ маркази;

Тайланова Шоҳида Зайниевна – педагогика фанлари доктори, доцент.

19.00.00-ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

Каримова Василя Маманосировна – психология фанлари доктори, профессор, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Ҳайитов Ойбек Эшбоевич – Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти, психология фанлари доктори, профессор

Умарова Навбаҳор Шокировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, Амалий психологияси кафедраси мудири;

Атабаева Наргис Батировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Қодиров Обид Сафарович – психология фанлари доктори (PhD), Самарканд вилоят ИИБ Тиббиёт бўлими психологик хизмат бошлиғи.

22.00.00-СОЦИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

Латипова Нодира Мухтаржановна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири;

Сеитов Азамат Пўлатович – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети;

Содиқова Шоҳида Мархабоевна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон халқаро ислом академияси

23.00.00-СИЁСИЙ ФАНЛАР

Назаров Насриддин Атакулович – сиёсий фанлар доктори, фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент архитектура қурилиш институти;

Бўтаев Усмонжон Хайруллаевич – сиёсий фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири.

ОАК Рўйхати

Мазкур журнал Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2022 йил 30 ноябрдаги 327/5-сон қарори билан тарих, иқтисодиёт, фалсафа, филология, юридик ва педагогика фанлари бўйича илмий даражалар бўйича диссертациялар асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхати (Рўйхатга) киритилган.

Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари электрон журнали 1368-сонли гувоҳнома билан давлат рўйхатига олинган.
Муассис: “SCIENCEPROBLEMS TEAM” масъулияти чекланган жамият.

Тахририят манзили:

Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-уй. Электрон манзил: scienceproblems.uz@gmail.com
Телеграм канал: https://t.me/scienceproblems_uz

МУНДАРИЖА

07.00.00 – ТАРИХ ФАНЛАРИ

<i>Намазова Умида Нормуродовна</i> ФРАГМЕНТЫ ИЗ ИСТОРИИ САМАРКАНДСКОГО ГОСУДАРСТВЕННОГО УНИВЕРСИТЕТА ВЕТЕРИНАРНОЙ МЕДИЦИНЫ, ЖИВОТНОВОДСТВА И БИОТЕХНОЛОГИЙ (1929-1945 ГОДЫ).....	10-15
<i>Эрназаров Туйгун Раджабович</i> ДЕЯТЕЛЬНОСТЬ ТАМОЖЕННОЙ СЛУЖБЫ ТУРКЕСТАНСКОГО ГЕНЕРАЛ- ГУБЕРНАТОРСТВА: КЛЮЧЕВЫЕ МОМЕНТЫ И ДОСТИЖЕНИЯ	16-21
<i>Хужаниязов Уктам Ешбаевич</i> “ҚОРАҚАЛПОҚФИЛЬМ” СТУДИЯСИ ХУЖЖАТЛИ ФИЛЬМЛАРИДА ТАРИХИЙ МАВЗУЛАР ТАЛҚИНИ	22-27
<i>Шаимкулов Азамат Холмуратович</i> ҚАЙТА ҚУРИШ ДАВРИ МАТБУОТИДА ИҚТИСОДИЙ МАСАЛАЛАР ТАЛҚИНИ	28-38
<i>Муродов Ҳалим Салимович</i> ТУРИЗМ РИВОЖИ ТАРИХИГА БИР НАЗАР	39-46
<i>Юлдашев Саиданварбек Бахромжон ўғли</i> ФАРҒОНА ВОДИЙСИНИНГ– ҚОРАХОНИЙЛАР ТОМОНИДАН ЗАБТ ЭТИЛИШИ ТАРИХИДАН	47-51
<i>Shonazarova Nargiza</i> TOSHKENT SHAHRIDA “OBOD MAHALLA” DASTURI VA UNING IJROSI XUSUSIDA AYRIM MULOHAZALAR	52-57
<i>Axmadova Nafisa Axmad qizi</i> O‘ZBEKISTON VA FRANSIYA MADANIY ALOQALARINING RIVOJLANISHI	58-64
<i>Qodirova Ra’no Mamirjonovna</i> O‘ZBEKISTON SSR MAKTABLARIDA 1930-YILLARNING IKKINCHI YARIMIDA TARIX FANINING O‘QITILISHI	65-70
<i>Yunusxo’jayev Habibulla Zafar g’o’li</i> SHARQDA KUCHLI IJTIMOIIY NIHOYA TIZIMI TARIXI	71-75
<i>Нарбеков Абдикамил</i> НАЦИОНАЛЬНАЯ ПОЛИТИКА СОВЕТСКОГО ГОСУДАРСТВА В ТУРКЕСТАНЕ И ЕГО СУЩНОСТЬ	76-80
<i>Alimova G‘unchaxon Baxadirovna</i> JAMIYAT TARAQQIYOTINING TARIXIY RIVOJLANISH ASOSLARI DIN VA DAVLAT MISOLIDA	81-85
<i>Jumanazarova Fotima</i> XOTIN QIZLAR BANDLIGINI TA'MINLASH TIZIMINING SHAKLLANISH JARAYONI VA RIVOJLANISH BOSQICHLARI	68-93
08.00.00 – ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ	
<i>Ziyodilloev Khushnud Rahimboevich</i> PORTFOLIO OPTIMIZATION OF COMMERCIAL BANK CREDITS: A LITERATURE REVIEW	94-100

<i>Hamrayev Amirzoda</i> ISLOMIY MOLIYA XIZMATLARINI KO'RSATUVCHI TASHKIOTLAR KAPITAL STRUKTURASI SAMARADORLIGI TAHLILI.....	101-109
<i>Xaitbobaeva Nigora Bakmatatovna</i> T'UQIMACHILIK SANOAT KORXONALARIDA MARKETING STRATEGIYASIDAN FOYDALANIISH B'YIYCHA XORIJIY MAMLAKATLAR TAJRIBALARI.....	110-119
<i>Xalilov Qahramon Qurbonboyevich</i> MINTAQADA TURIZM HUNARMANDCHILIK KLASTERINI SHAKLLANTIRISHNING DESTINATSION MODELI.....	120-132
<i>Maxmudov TursunpuLAT Davronovich</i> INVESTITSIYA MANBALARINING MINTAQAGA IKTISODIYETIGA TA'BSIRI	133-144
<i>Ishchanova Salomat</i> KICHIK BIZNES VA XUSUSIY TADBIRKORLIKNI RIVOJLANTIRISHDA MARKETING FAOLIYATINING O'RNI.....	145-150
<i>Muydinova Zilola Voxid qizi</i> CHEGARA BOJXONA POSTLARI FAOLIYATIDA "AVTOMATLASHTIIRILGAN IY'LOVCHI XARAKATI" MOBIL ILOVASINI JORIY ETISH ORQALI IKTISODIY TAHLILNI TAKOMILLASHTIIRISH.....	151-158
<i>Samandarov O'gabek, Ismoilov Shohjahon</i> TURIZMNI RIVOJLANTIRISH OMILLARI VA ULARNING O'ZIGA XOS JIHATLARI	159-164
09.00.00 - ФАЛСАФА ФАНЛАРИ	
<i>Saidova Kamola Uskanbaevna</i> ФЕНОМЕН СВОБОДЫ ДЛЯ ЧЕЛОВЕКА И ОБЩЕСТВА: КОМПАРАТИВИСТСКИЙ АНАЛИЗ	165-173
<i>Omonturdiyev Orzu G'afforovich</i> INSONNING MA'NAVIY MOHIYATINI SHAKLLANTIRISHDA QADRIYATLARNING AHAMIYATI	174-179
<i>Ochilova Guzаль Aralovna</i> YUKSAK MA'NAVIYAT-MANFAATLAR BIRLIGINI TA'MINLASHNING MU'XIM OMILI.....	180-185
<i>Nurmatova Umida Jalolidinovna</i> MUTOLAA, SAVODXONLIK VA TA'LIMNING ANTINOMIK XUSUSIYATLARI.....	186-192
<i>Vafayeva Dilafruz Artikovna</i> AHMAD YASSAVIY TASAVVUFIIY TA'LIMOTIDA MA'NAVIY BARKAMOLLIK.....	193-198
<i>Karimov Zafarbek Ataboyevich</i> IJTIMOIY-PSIXOLOGIK MEKANIZMLARINING SOG'LOM TURMUSH TARZINI SHAKLLANTIRISHDAGI AHAMIYATI.....	199-202
<i>Bozorova Ro'zigul Sharofovna</i> MEHRSIZLIK HODISASINI KELITIRIB CHIQRUVCHI OMILLAR	203-212
<i>Xudoyberdieva Anorabonu Hayotovna</i> DINIY MANBALARDA IJTIMOIIY HAMKORLIK O'OYALARI	213-218
<i>Tursunkulova Shaxnoza Tuychiyevna</i> TASAVVUF FALSAFASIDA GO'ZALLIKNING IMMANENT JIHATLARI	219-224

<i>Dehqonov Behzod Baxtityorovich</i> YANGI O'ZBEKISTONDA UCHINCHI RENESSANS POYDEVORINI QURISHDA YETTI PIRNING BAG'RIKENGLIK G'OYALARINI O'RNI VA AHAMIYATI	225-230
<i>Abdullayeva Firuza Sharipovna</i> NASIRIDDIN TUSIYNING IDROK NAZARIYASI VA KOMILLIK FALSAFASI	231-236
<i>Murtozayev Shahobiddin Baxriddinovich</i> SHIHOBUDDIN UMAR SUXRAVARDIYNING "AVORIF UL -MAORIF" ASARI VA UNDA ILGARI SURILGAN G'OYALAR	237-243
<i>Ибрагимов Солижон Эргашович</i> АХБОРОТ ХУРУЖИ ВА "ОММАВИЙ МАДАНИЯТ" ТАҲДИДИ.....	244-251
10.00.00 - ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ	
<i>Qodirova Mukaddas Tog'ayena</i> BIZNES DISKURSINING MURAKKAB LINGVISTIK TABIATI.....	252-257
<i>Abdullayev Ikramjon Xashimdjanoich</i> DIFFERENT APPROACHES TO THE QUANTITATIVE-STATISTICAL CHARACTERISTICS OF PARTS OF SPEECH IN THE ENGLISH LANGUAGE	258-265
<i>Hamroyeva Sharifa Shukur qizi</i> TARJIMADA MILLIY SO'ZLARNING BERILISHI (OYBEKNING "NAVOIY" ROMANI INGLIZCHA TARJIMASI MISOLIDA)	266-271
<i>Olimova Gulfiza Muradullayevna</i> BADIY SAN'AT TURLARINING XORAZM DOSTONLARIDA QO'LLANILISHI.....	272-281
<i>Айниддинов Иқрориддин Шарифович</i> АДАБИЙ МАНБАЛАРДА АШРАФ САМАРҚАНДИЙНИНГ ТАРЖИМАИ ҲОЛИНИНГ ЎРГАНИЛИШИ	282-287
<i>Turaeva Dilfuza Daminovna</i> O'ZBEK TILIDA OBRAZLI SO'ZLARNING SEMANTIK XUSUSIYATLARI	288-295
<i>Mahmudova Nilufarxon Ravshanovna</i> LISONIY GRADASIYANING MORFOLOGIK, LEKSIK-SEMANTIK SATHDA PARADIGMA SIFATIDA NAMOYON BO'LISHI	296-305
<i>Ashurova Maftuna Asqar qizi, Yuldoshev Rustam Dilshod ugli</i> LINGUOCULTURAL COMPARATIVE ANALYSIS OF IDIOMS IN ENGLISH AND UZBEK LANGUAGES	306-311
<i>Isroilova Manzura Jamolovna</i> FRANSUZ PUBLITSISTIK MATNLARDA KOMPARATIV FRAZELOGIK BIRLIK LARNING KOMMUNIKATIV TA'SIRI XUSUSIDA	312-317
<i>Шамақсудова Саодат Хидоятовна</i> МАССМЕДИА АСПЕКТНИНГ МЕДИАМАТН ШАКЛИГА КЕЛИШИДАГИ ЎЗИГА ХОСЛИКЛАР.....	318-324
<i>Шатова Ирина Юрьевна</i> ОСОБЕННОСТИ УПОТРЕБЛЕНИЯ ЛЕКСИКИ ПО РОДУ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ ЛИЦ В РУССКОМ И УЗБЕКСКОМ ЯЗЫКАХ	325-330
<i>Nortoyeva Nodira Muhammadaliyevna</i> FRAZELOGIK DERIVATLARNI KONTEKSTLARDA ISHLATILISHINING KOGNITIV ASOSLARI	331-335

<i>Alimjanova Shohsanam Azamat qizi</i> KO'P MA'NOLI IBORALARNING KOGNITIV XUSUSIYATLARI	336-340
<i>Турниязова Шахноза Нигматовна</i> МАТНДАГИ БОҒЛАНИШЛИЛИК ҲАҚИДА АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР	341-347
<i>Mamarasulova Iroda Jumanovna, Xojimetov Sa'dulla Jumanazarovich</i> INGLIZ ADABIYOTI TUSHUNCHALARINING XILMA -XILLIGI	348-352
<i>Aminova Dilnoza Hikmatullayevna</i> THE IMPORTANCE OF INTERCULTURAL COMMUNICATION IN THE ORIGIN OF MILITARY TERMINOLOGY	353-358
12.00.00 - ЮРИДИК ФАНЛАР	
<i>Исломқулова Шоҳсанам Ваҳобжон қизи</i> ВРАЧНИНГ КАСБИЙ ЖАВОБГАРЛИГИНИ СУҒУРТА ҚИЛИШ ТУШУНЧАСИ ВА МОҲИЯТИ	359-365
<i>Mamatallyev To'liqin Xushmamat o'g'li</i> O'ZBEKISTONDA MASOFAVIY TA'LIM HUQUQIY ASOSLARINING SHAKLLANISHI	366-378
13.00.00 - ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ	
<i>Saidov Jur'at Sodirovich</i> МАКТАВГАСНА ТА'LIM TASHKILOTLARIDA BOLALARGA TARBIYA BERISHNING O'ZIGA XOS XUSUSIYATLARI	379-384
<i>Yusupaliyeva Shaxnoza Hakimjanovna,</i> ТЕХНИК ОЛИЙ О'QUV YURTLARIDA OO'ZAKI NUTQ KOMPETENSIYALARINI RIVOJLANTIRISH USUL VA METODLARI	385-390
<i>Tadjixodjaeva Эльвира Рашидовна</i> ОСОБЕННОСТИ ПРИМЕНЕНИЯ МЕТОДОВ ИГРОПЕДАГОГИКИ В ВЫСШЕМ ОБРАЗОВАНИИ	391-396
<i>Тўрахонова Барно Турсунбой қизи</i> БЎЛАЖАК ПЕДАГОГ-ПСИХОЛОГЛАРНИ ТАРБИЯВИЙ ФАОЛИЯТНИ ТАШКИЛ ЭТИШГА ТАЙЁРЛАШНИНГ ДИДАКТИК ИМКОНИЯТЛАРИ	397-406
<i>Ashurova Sitora Erkinovna</i> USING DIGITAL TECHNOLOGIES IN EDUCATION	407-412
<i>Каримжоновна Мунаввар Ибрагимовна</i> ХИЗМАТ ИТЛАРИНИ МАХСУС ЙЎНАЛИШГА ТАЙЁРЛАШДА УНГА ТАЪСИР ҚИЛУВЧИ ОМИЛЛАР ТАҲЛИЛИ (Божхона қўмитасининг Миллий кинология маркази мисолида).....	413-421
<i>Xamirayev Rustam Abdirazakovich</i> VOLEYBOLCHILARDA HARAKAT SIFATLARINI RIVOJLANTIRISHNING USLUBIY ASOSLARINI ТАКОМИЛЛАСHTIRISH	422-426
<i>Хашимова Масуда Камилжановна</i> КОМПЛЕКСНЫЙ ПОДХОД К ПРОЦЕССУ НРАВСТВЕННОГО ВОСПИТАНИЯ НА ОСНОВЕ ИНТЕГРАЦИИ НАУК	427-435
<i>Бердикулова Насиба Эркинжоновна</i> СОДЕРЖАНИЕ ПРИМЕНЕНИЯ ИННОВАЦИОННЫХ И ИНТЕГРАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ В НАЧАЛЬНОМ ОБРАЗОВАНИИ	436-442

Saidnazarova Gulshan Bolta qizi

AL-BUXORIYNING MA'NAVIY-AXLOQIY QARASHLARINI O'RGANISH PEDAGOGIK MUAMMO

SIFATIDA443-448

11.00.00–Филология фанлари

Турниязова Шахноза Нигматовна

Самарқанд давлат чет тиллар институти,
филология фанлари доктори (DSc), доцент
Email: turniyazova2019@gmail.com

МАТНДАГИ БОҒЛАНИШЛИЛИК ҲАҚИДА АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР

Аннотация. Ҳар қандай тилда ҳам матн шаклланиши компонентлари семантик жиҳатдан ҳам, синтактик жиҳатдан ҳам ўзаро муносабатларга асосланади. Бу матннинг деривацион хусусиятларини ўрганишда ҳам кузатиш мумкин. Айти пайтда микроматнлар шаклланишига эътибор қаратиш, хусусан, икки компонентли микроматнлар деривацион хусусиятларини ўрганиш мақсадга мувофиқ кўраниди. Зотан макро-матнлар деривацияси кўп операндли бўлгани учун уларда операторни белгилаш бирмунча қийин кечади.

Калит сўзлар: матн, когезия, когерентлик, боғланишлилик, радиал боғланиш, нутқ, деривация, кириш сўзлар, лексик воситалар.

Turniyazova Shakhnoza Nigmatovna

Samarkand State Institute of Foreign Languages,
Doctor of Philological Sciences (DSc), Associate Professor

SOME CONSIDERATIONS ABOUT TEXTUAL CONNECTIVITY

Abstract. In any language, the components of text formation are based on relationships, both semantic and syntactic. This can also be observed when studying the derivational properties of the text. At the moment, it is advisable to focus on the formation of microtexts, in particular, on the study of the derived properties of two-component microtexts. Since the derivation of macrotexts is multi-operand, it is somewhat difficult to determine the operator in them. This article provides an interpretation of these and similar questions.

Keywords: text, cohesion, coherence, communication, radial communication, speech, derivation, introductory words, lexical means.

Турниязова Шахноза Нигматовна

Самарқандский государственный
институт иностранных языков,
доктор филологических наук, доцент

НЕКОТОРЫЕ СООБРАЖЕНИЯ О ТЕКСТОВОЙ СВЯЗНОСТИ

Аннотация. Ҳар қандай тилда ҳам матн шаклланиши компонентлари семантик жиҳатдан ҳам, синтактик жиҳатдан ҳам ўзаро муносабатларга асосланади. Бу матннинг деривацион хусусиятларини ўрганишда ҳам кузатиш мумкин. Айти пайтда микроматнлар шаклланишига эътибор қаратиш, хусусан, икки компонентли микроматнлар деривацион хусусиятларини ўрганиш мақсадга мувофиқ кўраниди. Зотан макро-матнлар деривацияси кўп операндли бўлгани учун уларда операторни белгилаш бирмунча қийин кечади.

Калит сўзлар: матн, когезия, когерентлик, боғланишлилик, радиал боғланиш, нутқ, деривация, кириш сўзлар, лексик воситалар.

DOI: <https://doi.org/10.47390/SPR1342V3SI8Y2023N48>

Кириш

Равшанки, нутқ тил системаси унсурларининг амалда реал қўлланилишини тақозо этади. Бу эса, ўз навбатида, муайян қонун-қоидалар билан узвий боғлиқдир. Шунинг учун тил билан нутқни муштарак ҳодисалар деб бўлмайди. Уларнинг ҳар бири ўзига хос жиҳатлари билан бири иккинчисидан фарқ қилади. Акс ҳолда, «тил ва нутқ» дихотомияси ҳам амалда ўз кучини йўқотган бўларди.

Тил системаси унсурлари нутққа икки хил шаклда, яъни оғзаки ва ёзма шаклларда қўчирилиши мумкин. Нутқнинг ёзма шакли бугунги кунда «Матн лингвистикаси» деб номланаётган тадқиқот объектига асос бўлмоқда, оғзаки шакли эса диалог ва унинг лингвистик талқини учун асосий материал бўлиб хизмат қилмоқда. Бироқ матн лингвистикаси айни замонда ўзининг бошланғич даврини бошдан кечирмоқда. Бу соҳада ҳали нафақат ўзбек тилшунослигида, балки жаҳон тилшунослигида ҳам илмий тадқиқот ишлари бошланганига ҳали кўп вақт бўлгани йўқ. Мавжуд ишларда эса нутқ ва матн лингвистикаси муаммоларининг у ёки бу жиҳатларигина кун тартибига қўйилаётганлигини кўрамиз.

Адабиётлар таҳлили ва методология

Албатта, матн таҳлили одатдаги синтактик таҳлил доирасига сиғмайди. С.Д.Кацнельсон ҳам бу ҳақда қуйидагиларни таъкидлайди: «Яхлит матннинг лингвистик структурасини ҳали ўрганилмаган дейиш мумкин. Гапдаги сўзларнинг ўзаро муносабатини ўрганувчи «кичик синтаксис» дан ташқари, гапларнинг ва улардан катта синтактик қурилмаларнинг ўзаро муносабатларини ўрганувчи «катта синтаксис»га ҳам эҳтиёж туғилмоқда»[5].

Дарҳақиқат, матн лингвистикаси масалаларининг кун тартибига қўйилиши, ўз навбатида, «катта синтаксис» тушунчасининг ҳам истеъмолга киритилишини талаб қилиши шубҳасиздир. Чунки амалдаги гап таҳлили учун қўлланиладиган қоидалар матн таҳлили учун яроқсиздир. Бошқача айтганда, гап сўзларнинг ўзаро муносабатини намоён этса, матнда гапларнинг, мураккаб синтактик қурилмаларнинг, абзац ва бобларнинг ўзаро муносабатини ўрганишга тўғри келади. Бундан ташқари, матн талқинида микро- ва макросистема, микро- ва макроструктуралар хусусидаги, уларнинг ўзаро иерархик муносабатлари ҳақидаги илмий маълумотларга таяниш лозим кўрилади. Ваҳоланки, бундай илмий маълумотлар матн доирасида ҳозирча муваффақиятли қўлланилаётгани йўқ.

Кўринадик, матн лингвистикасининг илмий асосларини белгилаб берувчи мукамал қоидаларга ҳали том маънода эга эмасмиз. Бунинг учун, албатта, вақт талаб этилади. Немис тилшуноси Р.Харвег ўз даврида матн лингвистикасини тўлиқ илмий асослаш ва тадқиқ қилиш учун камида юз йил кераклигини тўғри таъкидлаган эди [1; Б 2-4].

Маълумки матннинг ҳар қандай тури ҳам боғланишли нутқ маҳсули саналади. Бу ўринда ҳам ҳар бир тилнинг ўзига хос лексик-морфологик воситалари муҳим муҳим омиллардир. Фикр далили учун матн компонентлариинг бевосита ёхуд тўғридан-тўғри боғланишга мурожаат этишимиз мумкин. Бунда матннинг боғланишлиги муайян

лексик воситаларга таянади. Бундай воситалар жумласига лексик такрор, синонимик воситалар, олмошлар, кириш сўз ва бирикмалар, боғловчиларни киритиш мумкин.

Бироқ матн компонентлари бир-бирлари билан билвосита усулга кўра боғланиши ҳам мумкин. Айни пайтда лексик воситалар фаоллик кўрсата олмайди. Аниқроғи бу ўринда лексик воситалар қўлланган бўлмайди. Шу боис матн компонентлари бундай ҳолатда матннинг умумий семантик салмоғи доирасига муносабатга киришади. К.Кожевникованинг таъкидлашига кўра, боғланишнинг мазкур тури **радиал** боғланиш деб аталиши мумкин [2; Б. 56].

Муҳокама

Боғланишлилик матннинг асосий грамматик категорияларидан бирини ташкил этар экан, матн шаклланишининг назарий жиҳатларини ўрганишда энг аввал ана шу нарсага эътибор қаратиш мақсадга мувофиқдир.

Матннинг бошқа грамматик категориялари ҳам албатта матн деривацияси шаклланиши жараёнида муҳим рол ўйнайди. Шу боис қуйида матн компонентларининг ўзаро боғланиши билан боғлиқ бўлган грамматик категорияларнинг ҳапр бирига алоҳида тўхталамиз.

Боғланишлилик категорияси. Ҳар қандай тилда ҳам матн шаклланиши компонентлари семантик жиҳатдан ҳам, синтактик жиҳатдан ҳам ўзаро муносабатларга асосланади. Бу матннинг деривацион хусусиятларини ўрганишда ҳам кузатиш мумкин. Айни пайтда микроматнлар шаклланишига эътибор қаратиш, хусусан, икки компонентли микроматнлар деривацион хусусиятларини ўрганиш мақсадга мувофиқ кўранди. Зотан макроматнлар деривацияси кўп операндли бўлгани учун уларда операторни белгилаш бирмунча қийин кечади. Қуйида фикримиз далили учун иккита мисол келтирамиз:

1. *Тожиддин Қосим қаддини ростлади ва унинг қора худди мойлангандай йилтироқ совуқ юзига табассум ёйилди (Ойбек. Нур қидириб).*

2. *Она бир зум бўшашди, кўзлари “пир-пир” учди, этсиз, кичик серхол юзи аламдан бужмайиб кетди. Бутун умр қашшоқлик исканжасида қийналган бу аёлнинг юрагида умид учқунлари кундан кун кучая бошлаган эди (Ойбек. Нур қидириб).*

Берилган мисолларнинг биринчисида тенг компонентли мураккаб синтактик қурилма берилиб унинг синтактик деривацияси **ва** боғловчисига асосланаётганлигини кўрамиз. Бу ўринда мазкур боғловчи деривация оператори вазифасида келмоқда. Мазкур восита бир пайтнинг ўзида матннинг ҳир икки компонентини семантик жаҳатдан ҳам, синтактик жиҳатдан ҳам боғламоқда. Шу боис оператор деривациянинг мутлақ ҳоким унсури саналади.

Иккинчи мисолда абзац берилиб, унинг синтактик деривацияси оператори вазифасида **она** сўзи келмоқда. Абзац деривациясида ҳам оператор компонентлар ўзаро боғланишида муҳим аҳамият касб этади. Аналогик макроматн синтактик деривациясини шакллантирувчи оператор ҳам семантик, ҳам синтактик вазифа бажаради. Бошқача айтганда оператор абзац компонентларининг мазмуний жиҳатдан боғланишида ҳам, синтактик нуқтаи назардан муносабатга киришишида ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Келтирилган абзацда биз оператор деб атаётган восита когнитив нуқтаи назардан фрейм вазифасини ҳам бажармоқда. Абзацнинг охириги компонент таркибида келаётган *аёл* сўзи бу ўринда субфрейм, яъни тагфрейм мақомида фаоллик кўрсатмоқда. Бироқ у деривация оператори вазифасини бажара олмайди. Бу эса, ўз навбатида, абзац деривациясида тагфрейм оператор бўла олмаслигини, мазкур мақом фақат бошфрейм зиммасига юклатилишини кўрсатади. Шуни ҳам айтиш керакки, аксарият ҳолларда абзац деривацияси оператори биринчи компонент таркибида келади.

Аввал эслатиб ўтилгани сингари, матннинг грамматик категорияларини мураккаб синтактик қурилмалар мисолида, аммо заруратга кўра абзац мисолида ҳам ўрганамиз. Шу жумладан, боғланишлилик категорияси ана шу тартибда талқин этилади. Боғланишлилик категорияси ўзига хос хусусиятларига кўра когерент ва когезия деб аталувчи икки турга бўлиши ҳаммамизга маълум.

Когерентлик ҳодисасида матн компонентларининг асосан мазмуний боғланиши назарда тутилади. Когерент муносабат нафақат муайян матн компонентлари ўртасида, балки микроматнлар ўртасида ҳам кузатилиши мумкин. Матн компонентларининг когерентлик белгисига кўра боғланиши биз юқорида радиал муносабат деб атаган ҳодисада, бизнингшча янада кўпроқ кўзга ташланади:

1. Фақат чигирткалар чириллайди, пастда, ойдинда ўрмондай қорайиб кўринган қишлоқ томонда бақалар қуриллайди, ўқтин-ўқтин итлар ҳуради (О.Ёқубов. Диёнат).

2. Нур уйғотган ғунча товушининг илк кумуш ҳалқачалари осмонда ўрлаб кетди: Нам шабадада яшил булутнинг ҳар жой-ҳар жойи совундай кўпириб, азим чинорнинг сирли бағридан чиқиб келган сокин ва қудратли шовуллаши оламни тутди (А.Мухтор. Чинор).

Берилган мисолларнинг биринчисида микроматн мақомидаги мураккаб синтактик қурилмани кўрамаиш. Бунда матн компонентлари радиал боғланишли эканлиги изоҳ талаб қилмайди. Зотан айти пайтда чигирткалар чириллаши, бақалар қуриллаши, итларнинг ҳуриши мазмуний жиҳатдан бир-бири билан боғланаётгани йўқ. Аммо улар ўртасида матннинг умумий семантик салмоғи доирасида боғлиқлик мавжуд. Акс ҳолда мазкур мураккаб қурилмани матн деб аташ мумкин бўлмасди.

Бу сингари мазмуний боғланишни когерентлик асосидаги боғланиш деб атай оламиз. Когерентлик ҳодисаси нафақат микроматн компонентларининг ички мазмуний боғланишини, балки макроматн компонентларининг ички семантик боғланишини ҳам тақозо этади. Фикр далилини берилган иккинчи мисолда кўришимиз мумкин. Бу ўринда нисбий макроматн абзац компонентларининг ички боғланиши хусусида сўз юритамиш [3; Б. 16-20].

Келтирилган абзац икки компонентли бўлиб, мазкур компонентларнинг биринчиси ёйиқ содда гапларни, иккинчиси эса мураккаб синтактик қурилмани тақозо этади. Агар мураккаб синтактик қурилманинг ҳам икки компонентли эканлигини ҳисобга олсак, макроматннинг таркибий қисмлари учта гапдан иборат эканлигини кўрамаиш. Бунда шу нарса характерлики, мазкур гаплар синтактик жиҳатдан ҳам, семаантик жиҳатдан ҳам бир-бирлари билан боғланаётгани йўқ. Айти пайтда ҳам матн компонентлари ўртасидаги муносабат катта матннинг умумий мазмуний салмоғи

воситасида шаклланимқда. Бу эса матн компонентларининг когерентлик асосида боғланаётганини кўрсатади.

Умуман, когерент муносабат нафақат муайян бир матн компонентлари ўратасида, балки матнлар муносабати ҳам кузатилиши мумкин. Бу ўринда шуни ҳам айтиш керакки, тилшунослик адабиётларида когерент муносабат ҳозирча фақат муайян бир матн компонентлари боғланиши орқали изоҳланиб келинмоқда. Бироқ фактик тил материаллари таҳлили когерентлик ҳодисаси матнлар (масалан, абзацлар) муносабатида ҳам рўй бериши мумкинлигини кўрсатмоқда. Фикр далили учун қуйидаги мисолга мурожаат қиламиз:

Икромжон хотинини ёлғиз қолдиришга, хотини бўлса уни ёлғиз юборишга кўнгли бўлмасди. Уларнинг шу кунларидаги муомаласи худди бир биридан айбни яшираётган қудаларга ўхшаб кетарди.

Шамол кучайгандан кучайиб, булутни суриб кетди. Булут четлари худди ёнаётган қоғоз четларига ўхшарди. Шу зар булутлар орасидан худди кўк шишадек бўлиб осмон кўринди (С.Аҳмад.Уфқ).

Келтирилган ҳар икки абзац ҳам автосемантик характерлидир. Бошқача айтганда уларнинг ҳар бири мазмуний жиҳатдан ўзича мустақил эканлигини кўраемиз. Буироқ шундай бўлса ҳам улар ўртасида когерент муносабат борлигини инкор этиб бўлмайди. Чунки катта матн (масалан, боб) доирасида улар ички боғланишлидир. Бундай боғланиш, албатта, мазмуний жиҳатдан бўлади. Зотан когерентлик ҳодисаси ўз моҳиятига кўра мазмуний боғланишни тақозо этади.

Шуни ҳам айтиш керакки, когерентлик ҳодисасини баъзи олимлар бошқа номлар билан атаганларини ҳам кузатамиз. Масалан, немис олими Б.Дресслер уни когерентлик деб номласа, К.Кожевникова бу ўринда ички боғланишлик тушунчасидан фойдаланади, И.Р.Гальперин эса интергративлик терминини қўллайди [4; Б. 71]. Бироқ терминлар турли хил бўлишидан қатъи назар, айтиш пайтда бир хил маъно тушунилади. Бошқача айтганда когезиядан фарқли равишда ички мазмуний боғланишликни тушунаемиз.

Когезия ҳодисасини, одатда ташқи боғланиш деб атайдилар. Бу ҳодисада матн компонентлари бир-бирлари билан шу матн сатҳида синтактик муносабат ташкил этади. Мазкур синтактик муносабат воситасида семантик муносабат ҳам шаклланади. Аввал айтиб ўтилганидек, когезияда муайян лексик морфологик воситалардан фойдаланилади:

1.Очил буванинг ўзи бу кеча ҳақида бирон вақт биронта одамга батафсил ҳикоя қилганини ҳеч ким билмайди-ю, лекин халқ орасида у ҳақда эртасидаёқ дув-дув гап тарқалади (А.Мухтор.Чинор).

2.Отақўзи ўтқазган кўчатлар, айниқса тол ва терак ниҳоллари одам бўйи кўтарилиб қолган бу ниҳоллар билан ўралган ва қум бўронларига ҳам, ёзги гармселга дош берган пахтазорлар ҳозир кўрган кўзни қувонтириб яшнаб турарди (С.Аҳмад. Уфқ).

Берилган мисолларнинг биринчисида микроматн компонентлари **лекин** боғловчиси орқали муносабатга киришмоқда. Айтиш пайтда матннинг ҳар икки компоненти ҳам бир-бирлари билан когезия воситасида боғланаётганлиги изоҳ талаб қилмайди.

Иккинчи мисолда берилган микроматн компонентлари эса асосан синонимик воситалар (кўчатлар-ниҳоллар) ҳамда лексик такрор орқали боғланаётганини кўраемиз.

Мазкур воситаларнинг барчаси (айни ипайтда учта) ўзбек тилида когезиянинг вужудга келиши учун хизмат қилади.

Юқоридагилардан ташқари когезия ҳодисаси кириш сўз ва бирикмалар билан ҳам воқеланади:

1. *Мана ҳозир ҳам айтадиган гаплари тилининг учуда турганди. Бироқ Латофатга “Ёз” дейиши билан ҳамма сўзлари ёдидан кўтарилиб гўнг бўлди-қолди, тўғрироғи сўзлар-ку бор, лекин бу сўзлар кўндан бери ўйлаб юрган фикрларни кўнглидаги армонларининг ўндан бирини ҳам ифода этолмас эди. (О.Ёқубов.Диёнат).*

2. *...уни сурунган пайтида суюб юборсангиз, яъни ҳар жиҳатдан ҳаққоний баҳо берсангиз, аслини олганда, кўнглида кири ўқ бу пок истеъдодли одам ҳали кўп фойда келтирармикан, деб ўйлайман (О.Ёқубов.Диёнат).*

Кириш сўз ва бирикмалар, одатда, иккинчи, учинчи гапларнинг бошида келади. Бундан ташқари когезия ҳодисаси ўзбек тилида **таъкидлаш лозимки, шуниси характерлики, аминманки** ва ҳ.к. каби кириш бирикмалар воситасида ҳам ифодаланади.

Натижалар

Кўринадик, лексик-морфологик ёхуд грамматик воситалар иштирокидаги боғланишда, ўз навбатида, **контакт** ва **дистант** ҳолатдаги муносабатлар кузатилиши мумкин. Контакт боғланишда лексик-морфологик воситалар имкон қадар кетма-кет келади. Дистант боғланишда эса лексик воситаларнинг бири матннинг олдинги жумласида келса, иккинчиси матннинг охириги жумласида қўлланилган бўлади.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, матн лингвистикаси муаммолари тадқиқига бағишланган ишларда бугунги тилшуносликда, аввал эслатиб ўтилганидек, матн компонентларининг боғланиши икки ҳодиса **когерентлик** ва **когезия** воситасида рўй бериши таъкидланмоқда. Айна пайтда когерентлик деганда матн компонентларининг масофали боғланиши назарда тутилмоқда. Когерентлик, асосан, семантик ҳодисани тақозо этади. Бунда кетма-кет келаётган гаплар синтактик жиҳатдан ҳам, семантик жиҳатдан ҳам боғланишли бўлмайди. Бунда боғланиш матннинг маъно салмоғига қараб белгиланади. Бошқача айтганда, боғланиш бу ўринда матннинг умумий мазмунидан келиб чиқиб аниқланади.

Хулоса

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, матн компонентларининг семантик боғланиши биринчи галда уларнинг дистрибутив хусусиятларига кўра воқеланади. Агар улар семантик дистрибуция қуршовида келмас экан, ҳеч қандай боғланиш рўй бермайди. Бундай вазиятда интонациянинг боғловчи вазифасида анча кучсиз эканлигини кўрамиз. Бошқача айтганда, микроматн компонентлари ё тўғридан тўғри семантик муносабатда, ёки матннинг умумий мазмунига таянувчи радиал муносабатда бўлади [2;56-58]. Бундан ташқари матн компонентларининг семантик жиҳатдан боғланишли бўлиши кўп даражада **фрейм** тушунчаси билан ҳам алоқадор эканини кўрдик. Радиал ва бевосита муносабат ҳам фреймлар доирасида вужудга келади. Агар маълум бир фрейм атрофида матн компонентларининг жипслашуви кучсизроқ бўлса, радиал муносабат вужудга келади. Мазкур жараёнда фрейм атрофидаги жипслашув кучли бўлганда, матн компонентлари ўртасида бевосита боғланиш шаклланади.

Адабиётлар/Литература/References:

1. Harweg R- Textlinguistik – Yn: Prospektiken der Linguistik, Bd.2. – Stuttgart, 1974.
2. Кожевникова К. Об Аспектах связности в тексте как в целом. // Синтаксис текста. – М., 1979. 217 с.
3. Турниёзова Ш.Н. Ҳозирги ўзбек тилида матн шаклланишининг деривацияон хусусиятлари // Номзодлик дис. автореферати. – Тошкент, 2010, 27 б.
4. Кухаренко В.А. Интерпретация текста. М., 1988. 254 с.
5. Кацнельсон С. Д. Типология языка и речевое мышление. Л., 1972.- С. 119.

SCIENCEPROBLEMS.UZ

ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

№ 5/8 (3) – 2023

АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО- ГУМАНИТАРНЫХ НАУК

ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES

Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари электрон журнали 2020 йил 6 август куни 1368-сонли гувоҳнома билан давлат рўйхатига олинган.

Муассис: “SCIENCEPROBLEMS TEAM” масъулияти чекланган жамияти

Таҳририят манзили:

100070. Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-уй. Электрон манзил:

scienceproblems.uz@gmail.com

Боғланиш учун телефонлар:

(99) 602-09-84 (telegram).